DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-64 Pages: 561-567

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



FEATURES OF CONDITIONAL CONSTRUCTIONS IN ARABICSCIENTIFIC

Abdulaziz E. Rustamov
Senior Lecturer
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: abdulazizrustamov161@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: syntax, real condition, unreal condition, conditional construction, conditional particle, conditional mood (jazm).

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The article is devoted to the issue of subordinate clauses in Arabic, in particular subordinate clauses with conditional clauses, and the means of their expression. The "means of expression" include, first of all, verb moods, as well as conjunctions, adverbs and words in the role of conjunctions, as well as integral constructions expressing conditions. In complex constructions of this type, both morphology and syntax are closely related.

АРАБ ТИЛИДА ШАРТНИ ИФОДАЛОВЧИ КОНСТРУКЦИЯЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдулазиз Э. Рустамов
Катта ўқитувчиси
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: abdulazizrustamov161@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: синтаксис, реал шарт, нореал шарт, шарт конструкцияси, шарт юкламаси, шарт майли (жазм).

Аннотация: Мақола араб тилидаги эргашган қўшма гаплар, хусусан, шарт эргаш гапли қўшма гаплар ва уларни ифодалаш воситалари масаласига бағишланган. “Ифода воситалари” деганда, аввало, феълнинг майлларини, шунингдек, боғловчи, юкламалари ва боғловчи ўрнидаги сўзларни, қолаверса

шартни ифодаловчи яхлит конструкцияларни ўз ичига олади. Бу турдаги мураккаб конструкцияларда морфология ҳам, синтаксис ҳам бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади.

ОСОБЕННОСТИ УСЛОВНЫХ КОНСТРУКЦИЙ В АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ

Абдулазиз Э. Рустамов
Старший преподаватель
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: abdulazizrustamov161@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: синтаксис, реальное условие, нереальное условие, конструкция условия, частица условия, условное наклонение (жазм).

Аннотация: Статья посвящена вопросу придаточных предложений в арабском языке, в частности придаточных предложений с условными придаточными, и средствам их выражения. К «средствам выражения» относятся, прежде всего, наклонения глаголов, а также союзы, наречия и слова в роли союзов, а также целостные конструкции, выражающие условия. В сложных конструкциях этого типа тесно связаны как морфология, так и синтаксис.

Кириш. Ҳозирги араб тилшунослигида араб тили синтаксиси бирликларини ўрганиш ва белгилаш асослари араб грамматик анъаналари руҳида ҳар томонлама шакллантирилди ва ривожлантирилди. Араб грамматик таълимоти муаммоларида араб тилшунослигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган синтаксис асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Араб тили грамматик рисолаларида учратиш мумкин бўлган назарий қоидалар, асосан, лисоний элементларнинг нутқда намоён бўладиган синтактик муносабатларга оид илмий мушоҳадаларни умумлаштиришдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни бир қатор араб тилига оид манбалар ва китобларда учратиш мумкин. Мазкур ишда йирик араб, ўзбек ва рус олимларининг, хусусан, А. Ҳасан, А. Жарим, А. Даҳдаҳ, М. Ғалайийний, Ф. Неъмат, Х. Насиф; Б.З. Халидов, Э. Талабов, Н. Иброҳимов, А. Ҳикматов, С. Бекпўлат, А. Абдужаббаров, М. Ҳасанов; Б.М. Гранде, Г.М. Габучян, Э.П. Бобылева, Н.В. Юшманов, В.Э. Шагаль, В.Г. Лебедев ва бошқаларнинг манбаларидан фойдаланган ҳолда шарт эргаш гапли қўшма гап ҳақидаги маълумотлар таҳлилга тортилди. Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, тизимли-структурал ва компонентли таҳлил асосида ўрганилди.

Натижалар. Маълумки, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шартини билдирувчи эргаш гап шарт эргаш гап дейилади. Араб тилида кўпинча шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади.

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шарти реал (“Яхши ўқисанг, тушунасан” каби) ва нореал (“Яхши ўқиганингда эди, тушунардинг” каби) бўлиши мумкин:

I. Реал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олдидан إنْ، إذا، مَتَى، مَنْ юкламаларидан бири келиши мумкин:

1.إنْ، مَتَى، مَن юкламалари иштирок этганда, эргаш гапдаги феъл ҳам, бош гапдаги феъл ҳам ёки ўтган замонда, ёки шарт майлида келади. Лекин бу англашилган шарт маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлади. Масалан,

إنْ خرجتَ من الغرفة خرجتُ منها.

Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إنْ تخرجْ من الغرفة أخرجْ منها.

Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

2. إذا юкламаси ишлатилганда ҳар икки гапдаги феъл ўтган замон шаклида келади. Лекин шартнинг маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегигишлилигича қолади. Масалан,

إذا دخلت الغرفة رأيت القنديل فيها.

Сен хонага кирсанг, ундаги қандилни кўрасан.

3. Баъзан бош гапнинг мазмунига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, бош гап эргаш гапдан олдин келиши ҳам мумкин. Масалан,

لست مبالغا إذا قلت إنني مريض.

Агар мен касалман десам, муболаға қилмаган бўламан.

Қуйидаги ҳолларда бош гап олдидан فَـ юкламаси қўйилади:

1. Бош гап от кесимли гапдан иборат бўлса. Масалан,

إنْ لَمْ ترَ هذه الكارثة فأنت سعيد.

Агар сен бу фалокатни кўрмаган бўлсанг, бахтлисан.

2. Бош гапдаги феълдан буйруқ, тақиқлаш, илтимос, хоҳиш-истак маънолари англашилса. Масалан,

إذا لَمْ يعشْ حراً بموطنه الفتى ميتاً وموطنه قبراً فسم الفت.

Агар инсон ўз ватанида эркин яшамаса, уни ўлик, ватанини қабр ҳисобла.

3. Бош гапдаги феъл قَدْ، سَ، سَوْفَ каби юкламалар билан, шунингдек ما ёки لن инкор юкламалари билан бошланган бўлса:

إنْ تستغفر لهم فلن يغفر الله لهم.

Агар сен улар учун кечирим сўрасанг, Аллоҳ уларни ҳечқачон кечирмайди.

II. **Нореал шартни** билдирувчи шарт эргаш гап олдидан لَوْ юкламаси қўйилади ва бу гапдаги феъл кўпинча ўтган замонда келади. Масалан,

لَوْ زرنا المسرح شاهدنا فيه تمثيليةً رائعةً.

Агар театрга борганимизда эди, унда ажойиб спектакл томоша қилган бўлар эдик.

Бундай гапларда бош гап олдидан لَـ юкламаси ҳам қўшилиши мумкин. Бу юклама гапнинг маъносига таъсир ўтказмайди. Масалан,

لَوْ كان عندي وقت لكتبت مقالة لجريدة الحائط.

Вақтим бўлганида эди, девормӣ газетага мақола ёзган бўлар эдим.

Баъзан нореал шартни ифодалашда бош гап бирикма олмош билан لاَ юкламасидан иборат бўлиши ҳам мумкин.

لَوْلاك لتهت في الطريق.

Сен бўлмаганингда эди, йўлдан адашган бўлар эдим.

لَـوْ ўтган замон феъли билан келганида шарт ҳарфи ишлатилади. Ундан кейин келадиган ўтган замондаги феъл камдан кам ҳолатларда келаси замон маъносини англатиш мумкин.

لَوْ икки хил ишлатилади:

1) Ўзидан кейинги феъл билан келиб ўша феълнинг масдари маъносини беради, бундай бўлиши учун унинг ўрнига أَنْ юкламасини қўйиш имкони бўлиш керак. Масалан:

وددت لَوْ قام زيد. яъни: قيامه

Зайднинг турушини истадим.

2) Шарт ҳарфи бўлиб кўпича ўтган замон маъносида келади. Масалан:

لَوْ قام زيد لقمت.

Зайд турганида эди мен ҳам турардим.

Буюк наҳвшунос олим Сибавайҳининг айтишича, لَـوْ бир иш-ҳаракатининг рўй бериши учун рўй берадиган иш-ҳаракатининг ҳарфидир. Гоҳида لَـوْ дан кейинги феъл келаси замон маъносини англатиш мумкин. Масалан:

وليخش الذين لو تركوا من خلفهم ذرية ضعافا خافوا عليهم.(سورة النساء: 9)

Ўзлари заиф ҳол зурриётларини ортдан қолдиришдан қандай қўрқсалар (бошқалар ҳақида ҳам) шундай қўрқсинлар. Бас Аллоҳдан қўрқсинлар ва тўғри сўз айтсинлар.

وهي في الاختصاص بالفعل كإن   لكن لو أن بها قد تقترن

لَوْ нинг хусусияти – феълдан олдин келади, исмдан олдин келмайди. Шунингдек إِنْ шарт юкламаси ҳам феълдан олдин келади,исмдан олдин келмайди. Лекин لَوْ ،أَنْ ва унинг исми кесимдан олдин келади. Масалан:

لَوْ أن زيدا قائم لقمت

Агар ҳақиқатдан ҳам Зайд турганда эди, мен ҳам турардим.

Юқорида келтирилган мисолда фарқли бир жиҳат бор. Айтилганки, لَـوْ ўзининг хусусиятига кўра феълдан олдин туриши керак, яъни ўз ҳолича қолиш керак.إِنْ ўзининг исми вакесими билан لَوْ дан кейин туширилиб қолдирилган феълнинг эгаси бўлиб қолиши керак. Юқоридаги жумла аслида لَوْ ثبت أن زيدا قائم لقمت яъни: لَوْ ثبت قيام زيد тарзида бўлган.

Сибавайҳининг йўналишига кўра لَـوْ ўзининг ҳусусиятини йўқотган. أَنْ ва унинг исми-кесим бош келишикда бўлиб, эгадир. Кесим эса туширилиб қолдирилган. Аслида эса жумла

لَوْ أنَّ زيدا قائم ثابت لقمت

яъни: لَوْ قيام زيد ثابت لقمت тарзида бўлган.

و إنْ مضارع تلاها صرفا إلي المضي، نحو لَوْ يفي كفي

لو ни одатда ўтган замонда келишлиги айтиб ўтилди ва бу ерда муаллиф لو дан кейин келган ҳозирги келаси замон феълининг ўтган замон маъносини англатишини айтиб ўтмоқда. Масалан:

رهبان مدين والذين عهدتهم يبكون من حذر العذاب قعودا

لَوْ يسمعون كما سمعت كلامها خروا لعزة ركعا وسجودا

Мадян роҳиблари ва мен уларга аҳд қилган кишилар азобдан хавфсираб ўтириб йиғламоқдалар.Агар мендек улар ҳам унинг гапини эшитганларда эди рукуъ ва сажда қилиб, Иззага тиз чўкган бўлардилар.

Бу жумлада لَوْ يسمعون феъли لَوْ يسمعوا маъносидадир. Ушбу لَوْ учун жавоб керак.Унинг жавоби эса ўтган замон феъли ёки لَمْ билан ҳозирги келаси замон инкор бўлишсиз феъли бўлади. Агар уни жавоби бўлишли бўладиган бўлса, кўпинча у لَ билан келади. Масалан:

لَوْ قام زيد لَقام عمرو.

Агар Зайд турганда Амр ҳам турарди.

لَ ни тушириб қолдириш ҳам мумкин. Масалан:

لَوْ قام زيد قام عمرو.

Агар Зайд турганида эди Амр турмасди.

Хулоса. Шундай қилиб, ўрганилган масала бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Араб тилидаги шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги феълларнинг бир-бири билан боғланиши бевосита феълнинг шарт майли (жазм)да ўқилишига сабаб бўладиган 16 та юклама билан боғлиқ. Ушбу юкламаларнинг барчаси ҳам шарт маъносини ифодаламайди: 4 та юклама – لاَ لَمْ ، لام ва لَمَّا ўзидан кейин битта феълни жазм шаклида келишини талаб қилади, лекин шарт маъносини англатмайди. Қолган 12 та юкламалар ўзидан кейин иккита феълни жазмда келишини талаб қилади ва

шарт маъносини англатади. Қоидага мувофиқ, шарт маъносида келган феъл тусланадиган, аниқлик майли шаклидаги ҳамда سَ ما ,لَنْ , قَدْ، ёки سَوْفَ юкламаларидан холи феъл бўлади.

2. Бош ва эргаш гапдаги феъллар (яъни шарт ва жавоб)нинг бир-бири билан боғланиши فـَ юкламаси орқали 12 ҳолат (ўрин)да кузатилади: жавоб (яъни бош гап) – 1) исмий жумла, 2) ўзгармас (жомид) феъли, 3) буйруқ феъли, 4) лафз ва маъно жиҳатдан ўтган замон феъли ва قَدْ юкламаси билан бириккан ҳолатда, 5) قَدْ юкламаси, 6) ما инкор юкламаси, 7) لَنْ инкор юкламаси, 8) سَ юкламаси, 9) سَوْفَ юкламаси, 10) رُبَّ сўзи, 11) كأنما боғловчи сўз ва 12) шарт юкламаси билан ифодаланганда.

3. إِذَا юкламаси билан реал шартни ифодаловчи конструкцияларда бош гап ва эргаш гапдаги феълларнинг замон шакллари қуйидагича мутаносибликда берилиши мумкин:

Бош гап (жавоб)	***Шарт эргаш гап (шарт)***
فَعَلَ	فَعَلَ
يَفْعَلُ	فَعَلَ
سَوْفَ يَفْعَلُ	فَعَلَ
يَفْعَلُ (أَوْ الأَمْرُ)	كَانَ يَفْعَلُ (كَانَ فَاعِلًا)
فَعَلَ	قَدْ فَعَلَ
قَدْ فَعَلَ	قَدْ فَعَلَ

4. لَوْ юкламаси билан нореал шартни ифодаловчи конструкцияларда бош гап ва эргаш гапдаги феъллар фақат ўтган замон шаклида берилади ва қуйидаги кўринишда бўлади:

Бош гап (жавоб)	***Шарт эргаш гап (шарт)***
لَ...	لَوْ...
لَ...	لَوْ أَنَّ...
لَ...	لَوْ لَا...
لَمَا...	لَوْ لَمْ....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdulaziz, R. (2024). A Comparative Analysis of English and Arabic Prepositions: Syntax, Semantics, and Usage Patterns. Excellencia: International Multi-Disciplinary Journal of Education (2994-9521), 2(5), 112-114. https://doi.org/10.5281/ (in English)

2. Al-Dahdah, Antoine. (1992) Dictionary of Arabic Grammar in Tables and Charts. Mu’jam qava’id al-lug‘a al-arabiyya. – Bayrut: Maktabat Lubnan. – 352 p. (in Arabic)

3. Al-Jarim, Ali; Amin, Mustafa. Clear Grammar. Part Two. (1983). An-Nahv al-vadih. Al-juz’ as-saniy. – Misr, al-Qohira: Dar al-ma’arif. – 152 p. (in Arabic)

4. Bobyleva, E.P. (2001). Arabic language in syntactic constructions. Arabskiy yazik v sintaksicheskix konstruksiyax. – Moscow. – 120 p. (in Russian)

5. Gabuchyan, G.M. (1972). Theory of the article and problems of Arabic syntax. Teoriya artiklya i problemi arabskogo sintaksisa. – Moscow: Nauka. – 224 p. (in Russian)

6. Grande, B.M. (1998). Course of Arabic grammar in comparative-historical light. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osveshenii. – Moscow: RAN. – 592 p. (in Russian)

7. Hassan, Abbas (1975). Comprehensive Grammar. Part Four. An-Nahv al-vafi. Al-Juz’ar-rabi’. – al-Qohira: Dar al-ma’arif. – 835 p. (in Arabic)

8. Mansur, Abdulaziz (2001). Translation and interpretation of the meanings of the Holy Quran. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – Tashkent: Munir. – 613 p. (in Uzbek)

9. Nasif, Khifni et al. Grammar lessons (2006). ad-Durus an-nahviyya. – Misr, al-Iskandariyya: Dar al-Aqida. – 415 p. (in Arabic)

10. Nemah, Fouad. Summary of Arabic Grammar Rules. (1998). Mulaxxas qava’id al-lug‘a al-arabiyya. – Misr: Nahdat Misra. – 855 p. (in Arabic)

11. Rustamov, A. (2020). Syntactic properties of conditional prepositions (hurufu-sh-shart). Shart yuklamalari (hurufu-sh-shart)ning sintaktik xususiyatlari. Sharq mash’ali, 1(1), 108-116. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/eastern-torch/article/view/13273 (in Uzbek)

12. Rustamov, A.E. (2022). Interconnection features of the conditional verb and the responsive verb in the conditional subject compound sentence in Arabic. Arab tilida shart ergash gapli qo‘shma gapda shart fe’li va javob fe’lining o‘zaro bog‘lanish xususiyatlari. Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture, 2(13), 35-42. https://doi.org/10.5281/zenodo.7416928 (in Uzbek)

13. Sheikh Al-Ghalayni, M. (2007). Collection of Arabic Lessons. Ash-Shayx al-G‘alayiyniy, Mustafa. Jami’ ad-durus al-arabiyya. – al-Qahira: Dar al-g‘ad al-jadid. – 590 p. (in Arabic)